

ХФР

1918-йил
21-йундан чиқа
бoshlagan

№47, 2023-йил
29-ноябр,
chorshanba (32.793)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

Birgalikda ijtimoiy davlat sari!

O'zbekiston ovozi

ФАРМАЦЕВТИКА ВА ЭЛЕКТРОТЕХНИКА САНОАТИДАГИ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 28 ноябрь куни фармацевтика ва электротехника саноатида ишлаб чиқаришни янада қўллаб-қувватлаш, корхоналарнинг экспорт салоҳиятини ошириш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди.

Мамлакатимизда бу икки тармоқ учун ҳам зарур хомашё, етарли шароитлар бор. Хусусан, охирги олти йилда фармацевтика соҳасида ишлаб чиқариш 3 баробар, экспорт 6 баробар кўпайган. 525 миллион долларлик 177 та лойиҳа ишга тушиб, жами 50 мингта иш ўрни яратилган.

Лекин бу ҳали мавжуд имконият ва талаб даражасида эмас. Масалан, юртимизда йилига 1,6 миллиард долларлик дори-дармон истеъмол қилинади. Бунда маҳаллий маҳсулотларимизнинг улуши бор-йўғи 18 фоиз, қолгани импорт ҳисобидан қопланапти.

Шу боис йиғилишда маҳаллий ишлаб чиқаришни ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

– Сўнги йилларда бу соҳага катта қўмак ва маблағ берилди, фармацевтика зоналари ташкил этилди. Лекин бундан тўла фойдаланилмаяпти. Маҳаллийлаштиришни кенгайтириш, тадбиркорлар лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг маҳсулотлари харидоргирлигини таъминлаш керак. Бунинг замирида қанча иш ўрни, қанча одамларнинг розилиги бор, – деди Шавкат Мирзиёев.

Бу борада хориж тажрибасини ўрганиш, машҳур брендларни мамлакатимизга жалб этиш муҳимлиги таъкидланди. Жумладан, энг кўп истеъмол қилинадиган 50 турдаги дориини юртимизда ишлаб чиқариш орқали маҳаллийлаштириш улушини 35 фоизга етказиш мумкинлиги кўрсатиб ўтилди.

“Tashkent Pharma Park” кластери қурилишини жадаллаштириш, унга хусусий шерикни жалб этиш зарурлиги айтилди. Шунингдек, фармацевтика корхоналарига “GMP” халқаро стандартига ўтиш ва маркировкалаш тизимини йўлга қўйишда қўмаклашилади.

Умуман, бу соҳада 1,5 миллиард долларлик 173 та лойиҳа шакллантирилган. Уларни молиялаштириш учун 600 миллион доллар йўналтирилади.

Мутасаддилар буларнинг натижасида 2024 йилда 400 миллион долларлик маҳсулот ишлаб чиқарилиши, 160 миллион доллар экспорт таъминланиши бўйича ахборот берди.

Йиғилишда электротехника саноатига доир масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Сўнги олти йилда бу соҳада 640 миллион долларлик 224 та лойиҳа ишга туширилган. Бу йил якунида экспорт 1 миллиард долларга етиши кутилмоқда.

Шу билан бирга, юртимизга йилига 800 миллион долларлик электротехника товарлари импорт бўлмоқда. Умуман олганда, минтақамизда 3 миллиард долларлик бозор бор.

Бунда муносиб ўрин эгаллаш учун нуфузли брендлар билан ҳамкорлик ўрнатиб, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш зарурлиги қайд этилди. Келгуси йилга мўлжалланган 2 миллиард долларлик 141 та лойиҳада бунга алоҳида эътибор қаратилади.

Жорий йилда 2 гигаваатт, 2024 йилда яна 4 гигаваатт қуёш ва шамол электр станциялари ишга туширилади. Уларга жуда кўп кабел, генератор, инвертор, трансформаторлар зарур. Бу маҳсулотларни маҳаллийлаштириб, халқаро сифат сертификатлари олиш вазифаси қўйилди.

Соҳада илғор технология, инновация ва халқаро стандартларни жорий этишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш учун 100 миллион доллар йўналтирилиши белгиланди.

Мутасаддилар келгуси йилда ишлаб чиқаришни 20 фоизга ошириш, мисни қайта ишлаш ҳажмини 140 минг тоннага олиб чиқиш режаларини баён этди. Шунингдек, экспортни 1,5 миллиард долларга, 2025 йилда 2 миллиард долларга етказиш имконияти борлиги қайд этилди.

Йиғилишда ушбу тармоқлардаги муаммо ва вазифалар юзасидан вилоят ҳокимлари ва тадбиркорларнинг таклифлари эшитилди.

president.uz



ЛОЙИҲАЛАРНИНГ ИШГА ТУШИРИЛИШИ
2030 ЙИЛГА БОРИБ 25 ГИГАВАТТ ҚАЙТА
ТИКЛАНУВЧИ ЭНЕРГИЯ ҚУВВАТЛАРИНИ
ЯРАТИШ, 4,5 МИЛЛИАРД КУБ МЕТР ГАЗНИ
ИҚТИСОД ҚИЛИШ ВА АТМОСФЕРАГА
ЗАРАРЛИ МОДДАЛАР ТАШЛАНМАЛАРИНИ
3 МИЛЛИОН ТОННАГАЧА ҚИСҚАРТИРИШ
ИМКОННИ БЕРАДИ.

ҚИЙМАТИ 1,1 МИЛЛИАРД
ДОЛЛАР БЎЛГАН ИССИҚЛИК
ЭЛЕКТР СТАНЦИЯСИ ЛОЙИҲАСИ
3 МИЛЛИОНДАН ЗИЁД ХОНАДОН ВА
ЮЗЛАБ САНОАТ КОРХОНАЛАРИНИНГ
ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИГА ЭҲТИЁЖНИ
ТАЪМИНЛАШГА ИМКОН БЕРАДИ.

КЕЛАЖАК ЛОЙИҲАЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 27 ноябрь куни Саудиянинг етакчи “ACWA Power” компанияси билан амалга оширилаётган лойиҳалар - Сирдарё вилоятида 1500 мегаватт қувватли замонавий буг-газ электр станциясини тармоққа улаш ҳамда Тошкент вилоятида “яшил водород”ни “пилот” тарзда ишлаб чиқариш қувватларини барпо этишни бошлаш маросимида иштирок этди.

Таъкидлаш жоизки, Сирдарёдаги қиймати 1,1 миллиард доллар бўлган иссиқ-


лик электр станцияси лойиҳаси 3 миллиондан зиёд хонадон ва юзлаб саноат корхоналарининг электр энергиясига эҳтиёжини таъминлашга имкон беради.

Бундан ташқари, минтақамизда илк бор “яшил водород” ишлаб чиқариш бўйича ўхшаши йўқ корхона ташкил этилмоқда. Ушбу “пилот” лойиҳа доирасида мамлакатимизда биринчи босқичда 3 минг тонна водород ишлаб чиқарилади ва кейинчалик минерал ўғитларга қайта ишланади, шунингдек, 52 мегаваттлик шамол электр станцияси қурилади.

Умуман, “ACWA Power” компанияси иштирокида Ўзбекистонда 7,5 миллиард долларлик йирик энергетика лойиҳалари муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Ушбу лойиҳаларнинг ишга туширилиши 2030 йилга бориб 25 гигаваатт қайта тикланувчи энергия қувватларини яратиш, 4,5 миллиард куб метр газни иқтисод қилиш ва атмосферага зарарли моддалар ташланмаларини 3 миллион тоннагача қисқартириш имконини беради.

president.uz



ҚИШ ЭНЕРГИЯСИ

5САҲИФА



ВАЗИРЛИК

ҳаммани қутқара олмайди

6САҲИФА

Марказий Осиё КАТТА МИНБАРЛАРГА ҚАЙТМОҚДА

24 НОЯБРЬ КУНИ ОЗАРБАЙЖОН ПОЙТАХТИ БОКУДА БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИНИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁ ИҚТИСОДИЁТИ УЧУН МАХСУС ДАСТУРИ – СПЕСАНИНГ ИЛК САММИТИ БЎЛИБ ЎТДИ.

1998 ЙИЛ 26 МАРТДА ТОШКЕНТ ДЕКЛАРАЦИЯСИ БИЛАН АСОС СОЛИНГАН СПЕСА МАРКАЗИЙ ОСИЁДА СУБМИНТАҚАВИЙ ҲАМКОРЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ ВА УНИНГ ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИГА ИНТЕГРАЦИЯЛАШУВИНИ КУЧАЙТИРИШ МАҚСАДИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН.



3САҲИФА

КИМ ҲАҚЛИГИНИ ҲАЁТ КЎРСАТАДИ

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ МАЖЛИСИДА ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ХАВФСИЗЛИГИ ТИЗИМИ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ЖИНОЯТ КОДЕКСИ, ЖИНОЯТ-ПРОЦЕССУАЛ КОДЕКСИ ВА МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ КОДЕКСИГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДАГИ ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ АТРОФЛИЧА МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ.

ЭСЛАТИШ ЖОИЗ, ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ ДАСТЛАБ 2022 ЙИЛ 20 АПРЕЛДА ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИГА БЕЛГИЛАНГАН ТАРТИБДА КЎРИБ ЧИҚИШ УЧУН КИРИТИЛГАН, АММО ҚАТОР САВОЛ ВА ЭЪТИРОЗЛАРГА САБАБ БЎЛГАН ЭДИ. ШУНДАН СЎНГ ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ 2022 ЙИЛ СЕНТЯБРЬ ОЙИДА ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДАН ЧАҚИРТИРИБ ОЛИНГАН. УЗОҚ ВАҚТ ОЛИБ БОРИЛГАН ЎРГАНИШЛАР АСОСИДА ҚАЙТА ИШЛАНГАНДАН СЎНГ ЛОЙИҲА ПАРЛАМЕНТ МУҲОКАМАСИГА КИРИТИЛДИ.



Қонун лойиҳасининг асосий мазмуни транспорт йўлларида ҳаракат хавфсизлигини, ҳаракат қоидаларига риоя қилиниши бўйича жавобгарликни кучайтиришдан иборат экани айтилмоқда.

Лойиҳа билан Жиноят кодекси бир нечта моддалар билан тўлдирилмоқда. Хусусан, автотототранспорт воситаларининг ва улар тиркамаларининг (ярим тиркамаларининг) давлат рақам белгилари ёҳуд идентификация рақамларини қонунга ҳилоф равишда тайёрлаш, ўтказиш ёки ундан фойдаланиш, шунингдек, уни қалбақлаштириш базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача озодлиқни чеклаш ёҳуд уч йилгача озодлиқдан маҳрум қилиш билан жазоланиши белгиланмоқда.

Уша қилмишлар мансабдор шахс томонидан содир этилган бўлса, базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан бир юз эллик бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача озодлиқдан чеклаш ёҳуд беш йилгача озодлиқдан маҳрум этиш чоралари қўлланилиши назар тўтилмоқда.

Шунингдек, автотототранспорт воситалари ва шаҳар электр транспорти воситалари ҳайдовчилари ҳамда тракторчи-машинистларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, шунингдек, имтиҳонларни ўтказиш ва гувоҳнома бериш тартибини бузганлик учун ҳам жарима ва озодлиқни чеклаш ёҳуд озодлиқдан маҳрум этиш чоралари қайд этилмоқда. Жиноят кодекси транспорт воситаларини мастлик ҳолатида бошқариш ёки текширувдан ўтишдан бўйин товлаш ҳамда транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этилган шахсининг транспорт воситасини бошқарганлиги учун ҳам **261¹-261² моддалари билан тўлдирилмоқда.**

Ушбу кодекс **262¹**-модда билан тўлдирилиб, унда сиқилган табиий газда, суюлтирилган нефть газида ёки дизель ва газсимон ёқилғи аралашмасида ишлайдиган транспорт воситаларидан фойдаланишда хавфсизлик қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик акс эттириляпти.

Шу билан бирга, Жиноят кодексидаги яна баъзи моддалар ҳамда эса Жиноят процессуал кодексининг бир қатор моддаларига техник тузатишлар киритилляпти.

Лойиҳага кўра, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс бир қанча моддалар билан тўлдирилляпти. **34¹**-модда билан йўл ҳаракати қоидабузарликлари бўйича ҳисобланадиган жарима баллари белгиланган миқдордан ошганлик учун маъмурий жазо қўлланилиши белгиланяпти.

Яна бир моддада юк билан ёки юксиз ҳолдаги габарит ўлчамлари, шунингдек, умумий ҳақикий вази, ўққа тушувчи оғирлиги белгиланган нормалардан ўн фойздан йигирма фойизгача ортиқ бўлган транспорт воситаларида йўлга чиқиш базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн беш баравари миқдориди жарима солишга сабаб бўлиши ифодаланмоқда.

Бундан ташқари, сиқилган табиий газда, суюлтирилган нефть газида ёки дизель ва газсимон ёқилғи аралашмасида ишлайдиган транспорт воситалардан фойдаланишда хавфсизлик, транспорт воситасида одам ташиш қоидаларини бузганлик учун илк маротаба маъмурий жазо қўллаш амалиёти жорий этилмоқда.

Яна бир муҳим жиҳати, қувиб ўтиш қоидаларини бузганлар ҳам эндиликда жавобгарликка тортилади. Яъни, транспорт воситасида қувиб ўтиш қоидасини бузиш базавий ҳисоблаш миқдорининг уч баравари миқдориди жарима солишга сабаб бўлади.

Йўлларда исталганча безорлик қилиб юриш мумкин, деб ҳисоблайдиганлар бундан буён маъмурий жазо белгиланаётганини унутмаслиги лозим. Чунки лойиҳада йўл безорилиги, яъни транспорт воситалари ҳайдовчиларининг бошқа транспорт воситаларининг ҳаракатига қасддан тўсқинлик қилиши, ҳаракатланиш бурчагини ва (ёки) тезлигини сақлаган ҳолда транспорт воситасини сабаб

сиз сирпантериши (дрифт), ўз йўналишида ҳаракатланиш бўлагини сабабсиз кескин равишда уч ва ундан ортиқ марта узлуксиз ўзгартириши (махсус ажратилган ҳудудларда содир этиш бундан мустасно) ёки йўл ҳаракати қатнашчиларининг хавфсиз ҳаракатланишига таҳдид солувчи ёҳуд транспорт воситасида йўл ҳаракатининг бошқа иштирокчиларига нисбатан ҳурматсизликда ифодаланган бошқа хатти-ҳаракатларни намоишкорона содир этиши транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан бир йилдан икки йилгача муддатга маҳрум қилиб, базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш баравари миқдориди жарима солишга сабаб бўлиши қайд этилмоқда.

Қуйи палата мажлисида юқоридаги янги меъёрларга деярли эътироз бўлгани йўқ. Умуман, қонун лойиҳасининг аксарият моддалари депутатлар, хусусан, Халқ демократик партияси аъзолари томонидан қўллаб-қувватланди. Фақат кейинчалик муаммоли ҳолатларни келтириб чиқариши мумкин бўлган меъёрлар бўйича савол-жавоб ва баҳс-мунозаралар қизғин давом этди.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс қатор моддалар ва меъёрлар билан тўлдирилмоқда. Жумладан, юридик шахсга тегишли транспорт воситасидан фойдаланган ҳолда йўл ҳаракати қоидалари бузилганлиги махсус автоматлаштирилган фото ва видео техника воситалари орқали қайд этилган тақдирда, маъмурий жавобгарликка юридик шахсининг содир транспорт воситасидан фойдаланиш учун масъул бўлган шахси билан бирга, энди **юридик шахсининг транспорт воситасини ижара шартномаси асосида олган шахс ҳам** тортилиши белгиланмоқда.

Депутатларнинг қизгин муоҳамасига сабаб бўлган масала эса бевосита транспорт воситаси ҳайдовчилари томонидан бир нечта қоидабузарликлари содир этганлиги учун қўшимча жазо сифатида жарима баллари ҳисоблаш тизимини жорий этиш билан боғлиқ масала бўлди. Гап шундаки, мазкур меъёрга биноан ҳисобланган жарима баллари бир йил давомида ўн икки баллдан ошган ҳолларда охириги содир этилган ҳуқуқбузарлик учун қўшимча жазо тариқасида ҳайдовчини транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиниши тартиби жорий этилмоқда.

Авалроқ Халқ демократик партияси фракцияси йигилишида ҳам ушбу лойиҳа қизгин муоҳамаларга сабаб бўлган эди. Чунки мазкур тартибга мувофиқ, ҳайдовчи бир йил давомида йўл ҳаракати қоидалари билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлари содир этиш йўли билан белгиланган миқдордаги жарима балларини тўплаган тақдирда унга нисбатан транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиш жазоси қўшимча жазо сифатида қўлланиши белгиланмоқда. Бундай оғир жазо юртимизда такси хизматини кўрсатиб, оила тебратаётган минглаб фуқароларнинг оғир вазиятга тушиб қолиш эҳтимолини ошириши билдирилди.

Яна ҳам аниқроқ айтадиган бўлсак, қоидабузарликлар турларига қараб, 0,5–2 балл орасида ҳисоблаб борилади. Жарима баллари бир йил давомида 12 баллга етмаса, марра сизники. Ҳайдовчилик гувоҳномангиздан маҳрум бўлмайсиз. Аммо, аксинча, 12 баллдан ошган тақдирда охириги содир этилган ҳуқуқбузарлик учун қўшимча жазо тариқасида ҳайдовчи транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум бўлиб, қайтадан ўқийсиз.

Бунинг ўзигина эмас. Бу каби қарорлардан норози ёки қонунларни менсимайдиган фуқаролар ҳам учраб туради. Агар транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум бўлган шахс ўзбошимчалик билан транспорт воситасини бошқариб юргани аниқланса, унга нисбатан жиноий жавобгарликни белгилаш ҳам назарда тутилмоқда.

Бунинг сабаби сифатида йўлларда аяқчи автоҳалокатлар содир бўлаётгани кўрсатилмоқда. Маълумотларга кўра, 2021 йилда 10 мингдан ортиқ йўл транспорт ҳодисалари содир этилган, уларда 2 426 киши ҳалок бўлган,

9 230 киши тан жароҳати олган. 2022 йилда эса ЙТҲ сони 9 902 тани ташкил этиб, уларда 2 356 киши ҳалок бўлган, 9 606 нафар фуқаро тан жароҳати олган. 2023 йилнинг 9 ойида содир этилган 6 604 та автоҳалокатда 1 638 киши ҳалок бўлган, 6 179 киши турли даражада жароҳатланган.

Қайд этилдики, мазкур қонун лойиҳаси бир кунда парламентга юборилмаган. Узоқ вақтдан бери ўрганилган, муҳокамага қўйилган. Натижада барча турдаги қоидабузарликлар учун эмас, ижтимоий хавфи юқори бўлган ҳолатлар учун жарима балларини белгилаш таклифи илгари сурилган. Шу маънода ҳукуматнинг мазкур йўналишдаги қарор лойиҳаси ҳам илова сифатида депутатларга тақдим этилган. Қуйи палата вакиллари ана шу асосида жарима баллари белгиланиши назарда тутилаётган моддалар бўйича қизғин муоҳама олиб борди.

Масалан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга янги – 341-модда қўшилмоқда. Унинг биринчи қисмида ҳужжатсиз автомобиль бошқарганлик учун балл белгилаш назарда тутилмоқда. Айрим депутатларнинг фикрича, ушбу меъёр ноўрин. Чунки икки хил ҳолатда ҳужжатсиз бошқариш мумкин. Биринчиси, умуман ҳайдовчилик гувоҳномасига эга бўлмасдан рулга ўтириш, иккинчиси ҳужжатини унутиб қолдириш. Биринчи ҳолатга кўра, жарима баллини қўллаш имконсиз. Сабаби рул бошқарувидаги шахсда гувоҳноманинг ўзи йўқ. Иккинчи ҳолатда эса фуқарога маъмурий жазо белгилаш қонунда кўрсатилган. Энг кам иш ҳақининг бир баравари миқдориди жарима ва автомобилни вақтинча жарима майдончасига олиб кириб қўйиш каби меъёрлар кодексдан ўрин олган. Шундан келиб чиқиб, таклиф этилаётган меъёр мантиқсизлик деб баҳоланди ва депутатлар уни лойиҳадан чиқариб ташлашни таклиф этди.

Депутатлар қўшимча жазо тури сифатида белгиланаётган балл тизими одамларнинг норозилигини келтириб чиқармаслиги зарурлигини таъкидлади. Электрон тизим ишга туширилган. Рулда ким ўтиргани ва мулк ҳуқуқи кимда эканини аниқлаш учун кўп вақт ҳам талаб этилмайди. Бу ойналар тусини ўзгартириш, яъни “тонировка” масаласига ҳам тааллуқли бўлиб, айрим депутатлар жавобгарлик одамларни қийнаш учун эмас, жамиятда тартибни сақлашга қаратилган бўлиши керак, деган талабни қўйди.

Қуйи палата вакиллари шу каби бир-бирини инкор этувчи масалаларда баҳс-мунозара олиб борди. Шу тариқа мазкур моддага асосан ўзгартириш киритиш кўзда тутилаётган Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 135-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган қоидабузарлик содир этилганда балл белгилаш амалиёти чиқариб ташланди.

Қуннинг иккинчи қисмида ҳам давом этган мажлисда мазкур қонун лойиҳаси атрофлича муҳокамадан ўтказилди. Жумладан, депутатларнинг таклифи билан лойиҳанинг **34¹-моддасига ҳисоблаб бориладиган жарима балларининг энг юқориси 2 баллдан ошмаслиги** аниқ белгилаб қўйилди.

Депутатларнинг фикрича, лойиҳадан мақсад қоидабузарлиқнинг олдини олиш бўлса, бир қоидабузарлик учун белгиланадиган жарима баллининг энг юқорисини 2 балл қилиб белгилаш ҳам кифоя.

Халқ вакиллари қонуннинг **195²-моддаси**га ҳам тахририй ўзгартириш киритишди. Хусусан;

“Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар хо-

димларини улар ўз хизмат бурчларини, яъни жамоат хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ хизмат вазибаларини бажариш чоғида олинган фото ва видеотасвирларни уларни обрўсизлантириш ёки ҳақорат қилиш мақсадида Интернет ахборот тармоғида жойлаштириш –

базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик баравари миқдорда жарима ёки ўн беш сутка муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади, деб белгиланган қисмига депутатларнинг таклифи билан қуйидагича ўзгартирилди.

“Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларини улар ўз хизмат бурчларини, яъни жамоат хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ хизмат вазибаларини бажариш чоғида олинган фото ва видеотасвирларни уларни обрўсизлантириш мақсадида, **яъни ёлгон, ноаниқ ёки бузиб кўрсатилган маълумотларни жаҳон интернет ахборот тармоғида жойлаштириш –**

базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик баравари миқдорда жарима ёки ўн беш сутка муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади, деган тахрирга алмаштирилди.

Шу меъёр асосан бебош кимсаларни жазолаши аниқ. Айрим ҳолларда эса турлича талқин қилиниб, кўнгилсиз ҳолатларга асос бўлиб қолиши мумкин. Аксарият депутатлар, ташаббускорларнинг ўзлари ҳам бунни тушуниб туришганди чоғи.

Тахлиллар ҳайдовчилар томонидан маст ҳолда транспорт воситаларини бошқариш, ёшларнинг йўл ҳаракати қоидаларига бепишандлик билан қараш, транспорт бошқариш маданиятига риоя қилмаслик, йўл ҳаракатининг бошқа қатнашчиларига нисбатан ҳурматсизлик, транспорт воситасини кескин бошқариш ҳамда бошқа ҳаракатларда ифодаланадиган “агрессив бошқариш” ҳолатлари кўпайганини кўрсатмоқда. Бундай вазиятда кескин чораларнинг қўлланилиши, жавобгарликни кучайтириш орқали инсонлар ҳаёти ва хавфсизлигини таъминлаш имкони ортиши айтилмоқда.

Бироқ жарималар миқдори 12 баллдан ортган тақдирда ҳайдовчиларни автомобиль бошқариш ҳуқуқидан бутунлай маҳрум қилиб, уларни қайта ўқитиш мантиқан тўғри бўлади-ми, деган савол барибир очик қолади. Чунки янги меъёрларга кўра светофорнинг қизил чироғига амал қилмаслик, пиёдаларга йўл бермаслик, йўл чизикларини босиш ёки темир йўл кесишмаларида тўхтаб ўтиш қоидаларига амал қилмаслик каби ҳолатлар ҳайдовчининг уларни билмаганидан далолат бермайди. Аксинча, буларнинг барчаси қасддан ёки эътиборсизлик, баъзида мажбурлик натижасида рўй бериши мумкин.

Умуман, бир хил қонунлар минглаб эмас, миллионлаб фуқароларнинг ҳаёти ва фаолиятига бевосита тааллуқли бўлади. Кеча парламент қуйи палатаси шундай қонунлардан бирини қабул қилиб, Сенатга юборди. Юқори палата маъқулласа, қонун ҳаётда қандай ишлаши кўпроқ Ички ишлар вазирилиги, тизимдаги ходимларнинг ёндашуви, масалани кенг тушунишига боғлиқ бўлади. Спикер қонун қабул қилинганда шунга алоҳида ургу берди. Агар баъзи меъёрлар оқибатида муаммолар келиб чиқса, парламент, ҳар бир моддага овоз берган депутатлар ҳам масъул ҳисобланишларини виждон билан ҳис қилишган бўлишса керак.

ТАХРИРИЯТДАН:

Қуйи палата қабул қилган қонундаги кўп меъёрларни тик туриб олқишлаш мумкин. Аммо баъзи моддалар одамни ўйлантириб ҳам қўяди. Балки, бу алдамчи хавотирдир. Қонун кўзланган эзгу мақсадга хизмат қилишига, жазо кучайиши билан ўлимлар ва ҳалокатлар камайишига, умуман бўлмаслигига тилакдошимиз. Ички ишлар вазирилиги келтирган мудҳиш рақамлар қонун кучга кирганидан кейин қисқа муддатда жуда ижобий томонга ўзгаришига биргаликда умид қиламиз.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,
“Ўзбекистон овози” муҳбири.



МАРКАЗИЙ ОСИЁ

КАТТА МИНБАРЛАРГА ҚАЙТМОҚДА

24 НОЯБРЬ КУНИ ОЗАРБАЙЖОН ПОЙТАХТИ БОКУДА БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИНИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁ ИҚТИСОДИЁТИ УЧУН МАХСУС ДАСТУРИ – СПЕСАНИНГ ИЛК САММИТИ БЎЛИБ ЎТДИ.
1998 ЙИЛ 26 МАРТДА ТОШКЕНТ ДЕКЛАРАЦИЯСИ БИЛАН АСОС СОЛИНГАН СПЕСА МАРКАЗИЙ ОСИЁДА СУБМИНТАҚАВИЙ ҲАМКОРЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ ВА УНИНГ ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИГА ИНТЕГРАЦИЯЛАШУВИНИ КУЧАЙТИРИШ МАҚСАДИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН.

Дастур ишлаб чиқилган пайтда минтақа-ни ривожлантириш бир нечта босқичларда амалга оширилиши режалаштирилган.

Жумладан, биринчи босқичда:
транспорт инфратузилмасини ривожлан-тириш ва товарлар, хизматлар ва меҳнат ресурсларини миллий чегаралар орқали ўт-казиш тартиб-таомилларини соддалашти-риш;

Марказий Осиёнинг энергия ва сув ре-сурсларидан оқилона ва самарали фойда-ланиш;

углеводородларни жаҳон бозорига қувурлар орқали етказиб беришда мин-тақавий ҳамкорликни йўлга қўйиш каби йўналишлар устувор қилиб белгиланган.

Ташкил этилганига 25 йилдан кўпроқ вақт ўтганига қарамасдан, шу йиллар да-вомида дастур доирасида бирор марта дав-лат ва ҳукумат раҳбарларининг йиғилиши ўтказилмаган.

Платформанинг илк саммитида иштирок этган Ўзбекистон Республикаси Президенти етти ташаббусни илгари сурди.

биринчи ташаббус – СПЕСАни иқти-содий ҳамкорлигимизни кенгайтириш бо-расида очик ва янада таъсирчан минтақа-вий платформага айлантириш мақсадида “СПЕСА-2030” тараққиёт концепциясини ишлаб чиқиш;

иккинчи ташаббус – мавжуд тўсиқлар-ни бартараф этиш ва экспорт-импорт опе-рацияларини тартибга солиш учун жаҳон-даги энг илғор тажрибаларни жорий этиб минтақавий савдони рағбатлантириш бўйи-ча қўшма ҳаракатлар режасини ишлаб чиқиш;

учинчи ташаббус – “яшил” иқтисоди-ёт, инновациялар, юқори технологиялар, логистика, муқобил энергетика, “ақлли” қишлоқ хўжалиги, замонавий ижтимоий ин-фратузилмани яратиш ва бошқа соҳаларда-ги йирик лойиҳаларни қўллаб-қувватлашга хизмат қиладиган Мақсадли жамғармани ташкил этишни тезлаштириш;

» **Бир қанча экспертлар ҳудуд истиқболи Марказий Осиё мамлакатлари етакчиларининг ҳамжиҳатлиги, умуммиллий минтақа манфаатлари доирасида уйғун ҳаракатни давом эттиришига боғлиқ эканини ҳам таъкидлашмоқда.**

тўртинчи ташаббус – Транскаспий мультимодал йўлаги бўйича маълумот ва ҳужжатлар алмашиш жараёнини рақам-лаштиришга қаратилган “йўл харитаси”ни ҳаётга тўлиқ татбиқ этиш ва келгуси йил-нинг бошида Ўзбекистонда мамлакатлари-миз транспорт вазирлари, логистика ком-паниялари, юк ташувчилари, йирик саноат корхоналари раҳбарлари ҳамда соҳанинг етакчи экспертлари иштирокида “Рақамли транспорт маршрутлари” халқаро форуми-ни ўтказиш;

бешинчи ташаббус – озиқ-овқат хавф-

сизлигини самарали таъминлаш бўйича махсус ишчи гуруҳини тузиш ва унинг илк учрашувини келгуси йили Самарқандда ўт-казиш;

Ушбу тадбирнинг кун тартибидан етак-чи агросаноат корхоналаримиз ўртасида кооперация алоқаларини ривожлантириш ва қўшимча қиймат занжирларини яра-тиш, илмий-технологик алмашувларни рағ-батлантириш ва ресурсларни тежайдиган илғор ечимларни жорий этиш, “экспресс” йўлақларни ишга тушириш каби масалалар асосий ўрин эгаллаши;

олтинчи ташаббус – сув, энергетика, экология ва қишлоқ хўжалиги соҳалари ўзаро узвий боғлиқ эканидан келиб чиқиб, СПЕСАнинг кенг қўламли янги концептуал ҳужжати – кўп томонлама “Яшил страте-гияси”ни қабул қилиш;

еттинчи ташаббус – СПЕСА доираси-да ишбилармон хотин-қизларнинг фаол ташаббусларини ва аниқ режаларини дои-мий ва тизимли рағбатлантириш мақсадида СПЕСА Тадбиркор аёллари кенгашини тузиш шунингдек, Кенгаш доирасида мамлакатла-римиз рағбатли ва иқтисодий тараққиётига, умумий ҳамкорлигимизга бекиёс ҳисса қў-шиб келаётган аёлларни “СПЕСА эътирофи” халқаро мукофоти билан тақдирлаш каби тақдирлар давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилди.

Қайд этиш керакки, билдирилган тақдирлар дастурнинг самарадорлиги ва унинг халқаро майдондаги нуфузини оши-ришга катта ҳисса қўшиши турган гап.

Кейинги пайтларда сиёсий таҳлилчи-лар томонидан Марказий Осиё минтақаси-га коллектив ғарбнинг қизиқиши ортishiга сабаблардан бири сифатида ўлканинг уран ва углеводород захираларига бойлиги ай-тилмоқда. СПЕСА дастури ишлаб чиқилиб, унинг биринчи босқичида ҳам минтақанинг углеводородларини жаҳон бозорларига олиб чиқиш режа қилинганига гувоҳ бўла-миз. Тўғри, орадан 25 йил вақт ўтди, лекин режалар ҳозир ҳам долзарблигини йўқот-маган. Айнан шу сабабдан 25 йилдан кейин дастур доирасида биринчи саммит уюшти-риш зарурати пайдо бўлгандир.

Балки, коллектив ғарб Африка қитъаси-да кечаётган сиёсий беқарорлик туфайли сиёсий барқарор бўлган Марказий Осиёни истиқболли ҳамкор сифатида кўраётган-дир. Аслида бу ҳам очикликка асосланган дипломатиямизнинг ютуғи, дейилса ҳеч му-болага бўлмайди.

Ўз навбатида бир қанча экспертлар ҳу-дуд истиқболи Марказий Осиё мамлакат-лари етакчиларининг ҳамжиҳатлиги, умум-миллий минтақа манфаатлари доирасида уйғун ҳаракатни давом эттиришига боғлиқ эканини ҳам таъкидлашмоқда.

Аҳмад ҚУРБОНОВ,
сиёсий шарҳловчи.



ДЕПУТАТ КУЗ-ҚИШ МАВСУМИГА ТАЙЁРГАРЛИК ҲОЛАТИНИ ЎРГАНДИ



Ўзбекистон ХДП Сирдарё вилоят кен-гаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Ш. Мамадецов бир гу-руҳ партия фаоллари билан бирга туман ва шаҳардаги ижтимоий объектлар, кўп қаватли уйларнинг куз-қиш мавсумига тайёргарлик даражасини ўрганди.

Хусусан, 4- ва 1-сонли умумтаълим мактабларида бўлиб, ўқувчи ва ўқитув-чилар учун яратилган шароитлар, иситиш тизими билан яқиндан танишди.

Кўп қаватли уйларнинг мавсумга тайёргарлик аҳволи кўздан кечирилди. Аниқланган камчиликлар қисқа фурсат-ларда бартараф этилиши юзасидан теги-шли ташкилотлар билан келишиб олинди.

Ўрганишлар чоғида фуқароларнинг бошқа масалалар юзасидан ҳам мурожа-атлари тингланди.

ФАРОВОН ОИЛА ОЙЛИГИ



Фуқаролар фаровонлиги ва руҳий хотиржамлигига эришиш мақсадида республикамиз бўйлаб ижтимоий-маъна-вий муҳитни соғломлаштириш тадбирла-ри ўтказилмоқда.

Ўзбекистон Халқ демократик партия-си Уйчи туман кенгаши ташаббуси билан тумандаги 1-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабининг катта мажлис-лар залида Беруний, Хуррият, Навоий маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудида-ги аҳоли билан умумий профилактик суҳ-бат ўтказилди.

Мулоқот давомида ишчи гуруҳи аъ-золари томонидан меҳр-оқибат инсонга зийнат эканлиги, ёшлар ёт ғояларга бери-лиши ҳолатларининг олдини олиш, ноқо-нуний диний таълим беришнинг аянчли оқибатлари, ўз жонига қасд қилиш, эрта турмуш ва ноқонуний никоҳнинг олдини олиш бўйича тушунтиришлар берилди.

ЁШЛАР МУАММОСИ ЎРГАНИЛМОҚДА



Халқ депутатлари Арнасой туман кен-гаши депутати Раъно Тўрабоева ўқув-чи-ёшлар билан суҳбат ўтказди.

Мулоқот чоғида депутат мамлақати-мизда шу кунга қадар амалга оширилган ижобий ишларнинг самарали натижа-лари ва келгусида давлатимиз раънақи, халқимиз учун тинч-осуда, фаровон ҳа-ётини таъминлаш ва келажақ авлод учун режалаштирилган дастурлар тўғрисида тушунчалар берди.

Шунингдек, ёш авлод вакиллари учун яратилаётган имконият ва шароитлар ҳақида батафсил ўз фикр-мулоҳазалари-ни билдириб, ўқиш, билим олиш, ўз усти-да мунтазам ишлаш зарурлигини тушун-тириб ўтди.

ЎЗХДП Ахборот хизмати.

MAHALLIY
KENGASHLARDA

ОСМОНДАГИ ОЙ ЭМАС,
САВОЛГА ЖАВОБ,
ТАКЛИФГА МУНОСАБАТ КЕРАК

Сўнгги йилларда маҳаллий Кенгашларнинг назорат фаолиятини кучайтиришга қаратилган ҳуқуқий асослар янада мустаҳкамланмоқда. Олдинда катта вазифалар бор. Токи, ҳудудлардаги раҳбарлар аҳолини рози қилишни, уларга ҳисобдор бўлишни ўрганмагунча, эзгу мақсадларга эришиш осон бўлмайди. Маҳаллий Кенгашлар иши эса доимий комиссияларда фаолият кучайиши билан чамбарчас боғлиқ.

613 ТА МАСАЛА ДОИМИЙ
КОМИССИЯЛАРДА КЎРИБ
ЧИҚИЛДИ

Доимий комиссиялар иши шу жиҳатдан муҳимки, ижтимоий масалалар дастлаб ишчи гуруҳи томонидан ўрганилади. Йиғилишларда муҳокама этилиб, шулар асосида депутатлик сўровлари юборилади, сессияларга олиб чиқилади. Доимий комиссияда иш қанча пишик бўлса, сессиялар шунча самарали ўтади. Маҳаллий Кенгашларда Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан сайланган 1500 нафарга яқин депутат фаолият юритади. Партия Сайловолди дастуридаги мақсад-вазифаларни амалга ошириш бўйича 2023 йилга мўлжалланган амалий Ҳаракат дастури қабул қилинган. Унга биноан октябрь ойига қадар 800 дан ортиқ масала халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари томонидан кўриб чиқилиши белгиланган. Амалда маълумотларга кўра, ўтган 10 ой давомида 757 та масала халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳларида муҳокама қилиниб, шундан 613 таси доимий комиссияларда кўриб чиқилган.

Турсунбой СОЛИЕВ,
халқ депутатлари Тошлоқ туман Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи раҳбари, Одоб-ахлоқ масалалари бўйича доимий комиссия раиси:
– Яқинда туман Кенгашидаги партиямиз депутатлари томонидан Вазирлар Маҳкамасининг “Ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолининг уй-жой шароитларини яхшилаш бўйича қўшимча чора- тадбирлар тўғрисида”ги қарорининг туманда бажарилишини ўрганиб чиқдик. Бизга шу масала бўйича кўплаб мурожаатлар бўлди, сайловчилар билан учрашувларда ҳам шу масала кўп кўтариларди. Шунинг учун биз бу масалани ўрганишга киришдик.

Ўрганиш натижаларига кўра, 2023 йилда туманимиздаги “Ахшак”, “Садда” ва “Тошлоқ” маҳалла фуқаролар йиғинларида 6 та 196 хонадондан иборат кўп қаватли уйлар қурилиши режалаштирилган. Ҳозир ушбу кўп қаватли уйнинг биттаси фойдаланишга топширилди. Қолгани ҳам яқин кунларда битказилиш арафасида.

Уй-жойга муҳтож эҳтиёжманд фуқароларга ипотека кредити бўйича уй-жойларнинг ҳисобланган қийматининг бошланғич бадалини тўлаб бериш ҳақида фуқаролардан тушган аризалар асосида 53 нафар фуқарога 32.0 миллион сўмдан субсидия маблағлари олиши учун махсус сертификатлар берилган. Барча аризалар «Халқпарвар» комиссияси аъзолари томонидан манзилли ўрганиб чиқилган ва туман хокимлигига тақдим этилган.

Виждони бор депутат ўрганилган масаланинг тақдирига бефарқ бўлмаслиги керак, деб ўйлайман. Лоқайд, бефарқ халқ вакиллари эса “сессияга масала киритдим, ишимни зўр бажардим”, деган хулоса билан хотир-жамликка берилади ва хато қилади. Чунки ҳақиқий иш сессиядан сўнг бошланади. Биз ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолининг уй-жой шароитларини яхшилаш масаласини доимий



комиссияда, сессияда кўрдик, таклифлар билан чиқдик. Ҳозир субсидия олиш ҳуқуқига эга бўлган фуқароларимиз билан боғланяпмиз. Улар ипотека асосида уй олдим, йўқми шунинг ўрганиб борапмиз.

Шунингдек, яқинда яна бир масалани ўрганиб чиқдик. Туманимиздаги барча умумтаълим мактабларида таълим сифатини ошириш, маънавий ва маърифий ишларни янада яхшилаш бўйича олиб борилаётган ишларни ўргандик. Тўғри, ижобий, эътиборга молик ишлар жуда кўп. Лекин мактабларни ахборот технологиялари билан таъминлаш борасида амалга ошириш керак бўлган ишлар талайгина. Масалан, 29- ва 41-умумтаълим мактабларида компьютер жамланмаси етарли эмас. Интернет тезлиги ҳам юқори эмаслиги маълум бўлди. Ўқув дастурларида рақамли технологиялардан кенг фойдаланишни замоннинг ўзи талаб қилапти. Биз ушбу масаладаги таклифларимизни ҳам сессия муҳокамасига киритдик. Ҳозир сессия қарори ижросини депутатлик гуруҳи аъзолари билан ҳамкорликда ўрганиб борапмиз.

ҲАҚИҚАТ ШИРИН БЎЛМАЙДИ

Султон ҲАМРАЕВ,
Касби туман Кенгаши депутати, Суд-ҳуқуқ ва коррупцияга қарши курашиш масалалари доимий комиссия раиси:
– Бугун депутатлар анча уйғоқ. Атрофга, жамиятга, сайловчилар ҳаётига дахлдорлик бор уларда. Буни келаётган мурожаатларда, ўрганилаётган масалаларда кўришимиз мумкин. Доимий комиссия йиғилишлари қизгин, баҳсли ўтади. Ташкилотлар раҳбарлари ҳисоботларини эшитамиз, ҳудуддаги муаммолар масалаларни ўрганамиз, улар асосида сессияларга масалалар тақдим этамиз.

Биз ҳаётимизда аҳоли бандлиги, камбағаллик, коррупция, аҳолини уй-жой билан таъминлаш, таълим ва тиббиёт, уй-жой билан боғлиқ масалаларда депутатлик назоратини олиб бориб, уларни доимий комиссиялар, сессиялар муҳокамасига олиб чиқяпмиз.

Лекин яна бир масала бор. Доимий комиссия ва сессияларда кўрилган масалаларнинг ижроси назоратга олинганми, ечими бўйича ишлар якунига етказилганми-йўқми, деган саволларнинг жавобига қараб натижани баҳолаш керак. Бу эса бевосита маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари масъулияти ва виждонига ҳам боғлиқ.

Масалан, халқ депутатлари Касби туман Кенгашида 8 та доимий комиссия мавжуд. Ҳар чоракда биз партия гуруҳимизнинг таклифлари билан ёки жойларда аҳолининг ҳақли эътирозларига сабаб бўлаётган муаммо ва камчиликларни ечиш юзасидан амалий тадбирлар олиб боамиз. Масалани ўрганиб, доимий комиссия қарори билан сессияда муҳокама қилинаётганда сессия қарорига қўшимча таклифлар ҳам берамиз. Чунки биз масалани ўрганганмиз, ҳудудлардаги аҳолини жойига чиқиб, ўз кўзимиз билан кўрганмиз, муаммоларга бевосита гувоҳ бўлганмиз.

Аммо шундай ҳолатлар бўладики, сессия қарорига қўшимча киритиш бўйича таклиф айтганимизда, бу инobatга олин-

» **Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар бугун муҳокама, мунозара майдонига айлангани рoст. Сессиялар ҳам аввалгидан кўра анча жонли ўтяпти, депутатлар фаол. Лекин кенг муҳокама этилган масала сессиядан кейин яна ўз ҳолига ташлаб қўйилса, замонга мослашиб, фаоллашган депутатнинг таклифи, фикри ерда қолдирилса, доимий комиссиянинг, сессия йиғилиши жамиятга наф келтириши қийин.**

майди. Ваҳоланки, биз бу таклифларни сайловчилар мурожаатлари асосида ёки кўриб, ўрганган масаламиздан келиб чиқиб айтаяпмиз-ку. Тортишиб, баҳслашиб сессия қарорига киритган тақдиримизда ҳам масала ўз ҳолига ташлаб қўйилади. Энди ўйлаб кўринг, бу жамиятда депутатнинг обрўйини туширмайдими? 70-80 фоиз ҳолатларда сессия қарорлари ижро этилмасдан қолаверса, оқибат нима бўлади?

Айрим мансабдор шахслар ҳисоботи ёки ахбороти юзасидан доимий комиссиялар ишчи гуруҳларини тузамиз. Улар жойларга чиқиб долзарб масалаларни ўрганади, доимий комиссияда кўриб чиқади. Масалаларни тезкорлик билан 1 ой муддатда ёки 3 ой муддатгача муҳокама қиламиз, асосли таклифлар ишлаб чиқишга ҳаракат қиламиз. Лекин қарорлар ижроси ҳам, бу таклифларимиз ҳам ўз ҳолига ташлаб қўйилади. Шунингдек, кўп ҳолларда маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳларининг фикрлари ҳам ҳисобга олинмайди.

Яқинда сентябрь ойида халқ депутатлари туман Кенгашининг сессияда доимий комиссия раиси сифатида ҳудудимиздаги ижтимоий

масала юзасидан таклиф билдирдим. Касби туманида Мурувват ёки Саховат уйини очиш таклифини бергандим. Сабаби, Миришкор тумани вилоят марказидан 70-80 км узоқликда, бизнинг туман 50 км узоқликда, яна бир ёнимиздаги туман Муборак 100 км узоқликда жойлашган. Ана шу туманлар аҳолисига хизмат қиладиган Мурувват ёки Саховат уйи ташкил этилса, мақсадга мувофиқ бўларди. Ушбу уччала тумандаги ижтимоий ҳимояга муҳтож, ёлғиз, боқувчиси йўқ қарияларимиз ушбу уйларга жойлаштирилиши керак, деб ўйлайман. Чунки Яккабоғ тумани, Қарши шаҳридаги Мурувват уйларида жойлар етишмаслиги учун навбат кутиш муддати узоққа чўзилиб кетаётгани бўйича кўп мурожаатлар бўлган эди. Лекин бу таклифимга ҳеч қандай жавоб ҳам, изоҳ ҳам йўқ.


Бугун аҳоли саломатлигини таъминлаш масаласига жиддий эътибор бериляпти. Соғлиқни сақлаш соҳасида катта ислохотлар олиб бориляпти. Буни ҳаммамиз кўриб, гувоҳи бўлиб турибмиз. Туманимизда бу борада олиб борилаётган ишлар бўйича доимий тарзда назорат-таҳлил ишларини олиб борапмиз. Ушбу масалани ҳам бир неча маротаба доимий комиссия йиғилишларида, сессияларда муҳокама қилдик. Яқинда туман тиббиёт бирлашмасидаги болалар бўлими фаолиятини ўргандик. Ушбу муассаса 70 ўринга мўлжалланган. Бу ерда қўшни туманлардан ҳам ҳар кун иўнлаб, ҳаттоки юзлаб бемор болалар келяпти. Натижада 70 та ўринли жойда 130-140 нафар бола даволаняпти. Беморлар жуда тикилинч шароитларда ётибди, жой, шифокорлар етишмаяпти. Ушбу масалада ҳам Соғлиқни сақлаш вазирлигига ҳам таклиф билан чиққан эдик. Туманимизда 2021 йилда асосларсиз ёпиб юборилган боларада шифохонаси бор эди. Табиати ҳам сўлим бу бино ҳозир бўш турибди. Шу ерда туманлараро болаларни даволаш марказини очиш бўйича таклифини бердим. Лекин бу бўйича ҳам муносабат билдирилмади.

Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар бугун муҳокама, мунозара майдонига айлангани рoст. Сессиялар ҳам аввалгидан кўра анча жонли ўтяпти, депутатлар фаол. Лекин кенг муҳокама этилган масала сессиядан кейин яна ўз ҳолига ташлаб қўйилса, замонга мослашиб, фаоллашган депутатнинг таклифи, фикри ерда қолдирилса, доимий комиссиянинг, сессия йиғилиши жамиятга наф келтириши қийин. Тўғри, депутатлар кўтарган ҳар бир масала зудлик билан ҳал қилиниши шарт, ҳар бир таклифи амалга ошиши зарур, деган қоидалар йўқ. Лекин таклифга, фикр-мулоҳазага муносабат билдирилиши, саволга жавоб берилиши, асослар кўрсатилиши керак. Қонун шуни талаб қилади.

Халқ демократик партияси депутатлари ҳукумат, жойлардаги ҳокимиятлардан сессиялар қарорлари, депутатлар сўровларига қонунда белгиланган даражада муносабатда бўлинишини сўрашмоқда. Бу масалада партия алоҳида мурожаат билан чиқиши қутилмоқда.

Лазиза ШЕРОВА,
“Ўзбекистон овози” муҳбири.

DOLZARB MASALA



ҚИШ ЭНЕРГИЯСИ

ҲЕЧ КУЗАТЯПСИЗМИ, ПАРЛАМЕНТДАГИ МУҲИТ БУТУНЛАЙ ЎЗГАРИБ БОРМОҚДА. ЯЛПИ МАЖЛИСЛАР, ФРАКЦИЯЛАР ЙИҒИЛИШЛАРИДА МУҲОКАМАЛАР ҚИЗИГАНДАН ҚИЗИЯПТИ, ЎТКИР ТАКЛИФЛАР БЕРИЛЯПТИ, КЕСКИН САВОЛЛАР ЎРТАГА ТАШЛАНЯПТИ, УМУМАН, ҲАР ҲАФТА ҚИЗҒИН ЎТМОҚДА. ДЕЯРЛИ ҲАР ҲАФТА ҲУКУМАТНИНГ БИРОН АЪЗОСИ, БИРОРТА ВАЗИР ЁКИ ҚўМИТА РАҲБАРИ ЎЗ Йўналиши бўйича ҳисобот берапти. АНА ШУНДАЙ ШАРОИТДА ДЕМОКРАТИК МУҲИТ ШАКЛЛанади, ИЖОБИЙ МУЛОҚОТ КАЙФИЯТИ ЮЗАГА КЕЛАДИ.

ЎТГАН ҲАФТАДА ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА “ҲУКУМАТ СОАТИ”ДА ДЕПУТАТЛАРНИНГ САВОЛЛАРИГА СУВ ХўЖАЛИГИ ВАЗИРИ ШАВКАТ ҲАМРОЕВ ҲАМДА ЭНЕРГЕТИКА ВАЗИРИ ЖўРАБЕК МИРЗАМАҲМУДОВ ЖАВОБ БЕРДИ.

ЭНЕРГЕТИКА ВАЗИРИ ВАЪДА БЕРА ОЛАДИМИ?

Коммунал соҳанинг жамиятдаги ижтимоий муҳитга таъсири ғоятда катта. Энергия бўлмаса, бошқа соҳалар ҳам ортга кетади. Олдинда қиш, вазифалар кечиктирилмай ижро этилса, муаммолар вақтида ҳал этилса, мавсумни муаммоларсиз, талафотларсиз ўтказиш мумкин.

зиш мумкин.

Яширишнинг ҳождати йўқ, шу пайтгача, айниқса, қиш фаслида электр энергиясидаги узилишлар ҳақли эътирозларга сабаб бўлаётганди. Тармоқлардаги носозликлар сабаб қатор муаммолар келиб чиқаётганди.

Депутатлар “Мамлакатимизда энергетик барқарорликни таъминлаш ва энергетика соҳасини қиш мавсумига тайёрлаш борасида

олиб борилаётган ишларнинг ҳолати тўғрисида”ги масалани муҳокама қилишди.

Энергетика вазири қиш мавсумига тайёргарлик ҳақида ҳисобот берди. Вазирнинг айтишига қараганда, шу мақсадда қозонхоналар таъмирланиб, янги подстанция ва электр линиялари қурилди, мазут захиралари яратилди ва бошқа ишлар бажарилди.

Қайд этилдики, иқтисодиётни электр энергияси билан ўзлуксиз таъминлаш ҳамда “яшил иқтисодиёт” технологияларини барча соҳаларга жорий этиш мақсадида 2022 йилда умумий қиймати 700 млн. АҚШ доллари-дан ортиқ бўлган хорижий инвестицияларни жалб қилиш ҳисобига Тошкент, Бухоро, Самарқанд, Сирдарё ва Хоразм вилоятларида умумий қуввати 1 374 мегаватт бўлган 6 та иссиқлик ва 100 мегаватт қувватли 1 та қуёш фотоэлектр станцияси ишга туширилди.

Давлат дастурлари доирасида ва маҳаллий ҳокимликлар ҳисобидан энергетика тизимини модернизация қилиш учун давлат бюджетидан 14 триллион сўм сарфланган. Тошкент шаҳридаги ишлар учун ҳам кредит маблағлари ажратилди.

Электр таъминотини яхшилаш мақсадида ҳудудларда 831 км магистрал, 29 562 км тақсимловчи электр ўзатиш тармоқлари, 8 та магистрал подстанциядаги трансформаторлар ҳамда 10 158 та трансформатор пунктини мукаммал таъмирлаш ишлари тўлиқ якунланди, 961 км паст кучланишли электр тармоқлари ва 228 та трансформатор пункти янгиланди. Шунингдек, Фарғона, Сурхондарё вилояти ва Тошкент шаҳридаги подстанцияларнинг қуввати 400 МВтга оширилди.

ҚИШДА ЎЧМАЙДИМИ?

Вазир ҳисоботида келтирилишича, жорий куз-қиш даврида Ўзбекистонда электр энергиясига бўлган талаб 45 миллиард кв/соатга етиши кутилмоқда. Бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 3,5 миллиард кв/соатга кўп, дегани.

— Ушбу талабни қондириш учун жами 42,6 миллиард кв/соат электр энергияси ишлаб чиқариш режалаштирилган. Бунинг учун ИЭСларга 8,5 миллиард кубометр табиий газ (қунига 46,6 миллион кубометрдан), 2,9 миллион тонна кўмир (қўнлик 15 минг тонна) етказиб берилади. Кўмирнинг 1,1 миллион тоннаси импорт ҳисобидан етказилади. Шунингдек, қунига 2500 тонна мазут етказиш кўзда тутилган. Қўшни давлатлардан 5,2 миллиард кв/соат электр энергияси импорт қилиниши режалаштирилган, — деди Ж.Мирзамахмудов.

Белгиланган ишлар бажарилган бўлса-да, кутилмаган ҳолатлар ҳам юзага келиши мумкин. Вазирнинг таъкидлашича, аномал совуқ ва февралда вазиятларда ҳаракат қилиш алгоритми ишлаб чиқилган, аҳоли ва ижтимоий соҳа объектларини электр энергияси, газ ва иссиқлик таъминотисиз қолдирмаслик мақсадида йирик истеъмолчилар, яъни корхона, заводлар керак бўлса, тунги ишлаш тартибига ўтказилади, таъминотдан вақтинча узиб турилиши ҳам мумкин.

Шунингдек, энергия ресурсларидан оқилона фойдаланишни таъминлаш ва энергия самарадорлигини ошириш бўйича бошқа бир қанча чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Ички имкониятлар тўла ишга солиниб, тармоқлар модернизация қилинмоқда. Шунингдек, суюлтирилган газ, мазут, трансформатор, кабел ва бошқа зарур воситаларнинг захираси тайёрлаб қўйилган.

Вазир сўзи давомида табиий газга бўлган талабни қондириш борасида бажарилган ишлар тўғрисида ҳам гапирди. Унинг маълум қилишича, куз-қиш даврида республикада табиий газга бўлган талаб 28 миллиард кубометрни ташкил этиши (2022 йилгидан 2,5 миллиард кубометр кўп) кутилмоқда.

Ушбу талабни қоплаш учун “Ўзбекнефтгаз” АЖ томонидан 16,2 миллиард кубометр, хорижий ва қўшма корхоналар томонидан 10 миллиард кубометр табиий газ қазиб чиқариш таъминланади. Хабарингиз бор, эришилган келишувларга асосан қўшимча газ импорт қилиб, ички бозорга йўналтиришни таъминлаяпмиз. Қишга тайёргарлик доирасида ер ости омборларида 3,5 миллиард кубометр табиий газ захираси яратилгани қайд этилди.

АНОМАЛ СОВУҚ БЎЛСА-ЧИ?

Қишнинг ҳар бир куни — синов. Ўтган йилги “аномал совуқ”ни эслаган ҳар бир одам қиш ғамини ейиши аниқ.

“Ҳукумат соати”да вазир ўтган йилги аномал совуқ пайтидаги газ тақчилликлари ҳисоб-китоб қилингани, агар худди шундай об-ҳаво такрорланса, қандай чора кўрилиши аниқ белгилаб олинганини алоҳида қайд этди:

— Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, январнинг энг совуқ кунларида кунлик 273-280 миллион кв/соат электр истеъмоли кутилмоқда. Шундан 253-255 миллион кв/соатини ишлаб чиқариш ҳисобидан таъминлаймиз. Қолган 19,4 миллион кв/соати импорт қилинади. Агар дефицит мавжуд бўлса, аввало уни электр энергияси экспортини қунига 6 миллион кв/соат қисқартириш ҳисобидан қопланади. Шу билан бирга, мазут ёқилғиси сарфини қунига 10 минг тоннагача ошириб, қўшимча 10 миллион кв/соат электр энергияси ишлаб чиқариш ҳисобига ҳамда электр-ни иқтисод қилиш орқали қунига ўртача 12 миллион кв/соат энергияни тежаш ҳисобига қопланади. Бунда 838 та истеъмолчилар юкламасини тунги режимга ўтказиш ҳисобига тигиз вақтларда 1450 мегаватт қувватни бўшатиш имконияти пайдо бўлади, — деди у.

ДЕПУТАТЛАР БИР ҚАТОР САВОЛЛАРНИ ЎРТАГА ҚўЙИШДИ

Депутатлар соҳада олиб борилаётган ишларни эътироф этиб, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш, муқобил энергия манбалари қурилмаларини ўрнатиш ва эксплуатация қилиш, уларга хизмат кўрсатадиган корхоналарни ташкил этиш, уларнинг хавфсизлигини таъминлаш бўйича саволлар беришди.

“Ҳукумат соати”да депутатлар вазир олди-га бир қатор саволларни қўйди. Хусусан, халқ вакиллари аҳоли ва ижтимоий соҳа объектларига суюлтирилган газ ўз вақтида етказиб берилмаётгани сабаблари билан қизиқиб, куз-қиш мавсумини беталафот ўтказиш, уй-жой фонди ва ижтимоий соҳа объектларини ўзлуксиз энергия ресурслари билан таъминлаш бўйича саволлар бердилар. Шунингдек, қуёш панеллари ўрнатилган хонадонларни тармоққа ўлаш, энергияни электр тармоқлари корхоналарига сотиш учун шартнома тузишда юзага келаётган айрим масалаларга масъуллар эътиборини қаратди.

Лазиза ШЕРОВА,
“Ўзбекистон овози” муҳбири.

Energiya tejashning 7 ta usuli

1 ZARYADLOVCHI QURILMALARNI ROZETKADA GOLDIRMANG

Zaryadlangan telefon rozetkadan tortilmagan qurilmada turganda elektr energiyasini iste'mol qilishda davom etadi

2 UYDA FAQAT ENERGIYA TEJAYDIGAN LAMPALAR O'RNATING

Ular yilliga 170 kVt*soatgacha energiyani tejaydi

4 XONADAN CHIQIB KETAYOTGANDA, CHIROQNI O'CHIRISHNI UNUTMANG

Mutaxassislarning hisobiga ko'ra, elektr energiyasining taxminan 30% bo'sh joylarni yoritishga sarflanadi

3 MAISHIY TEXNIKA SOTIB OLAYOTGANDA ENERGIYA SAMARADORLIGI SINFIGA E'TIBOR BERING

G sinfi modellari eng ko'p, A++ yorliqli modellar esa eng kam elektr sarflaydi

5 MAISHIY TEXNIKANING ISH MUDDATINI QISQARTIRING VA UNDAN ENG SAMARALI TARZDA FOYDALANING

Kir yuvish mashinasini, ayniqsa yarmigacha to'lgan mashinani har kuni ishga tushirmang

6 NUQTALI YORITGICHDAN FOYDALANING

Yorqin qandil o'rniga turli yoritgich (lampalardan) foydalaning, ular sizning uyingizdagi asosiy joylarda tursin

7 KUNDUZGI VAQTDAN FAOLROQ FOYDALANISHGA HARAKAT QILING

To'g'ri, bunday holda siz odatiy kun rejimingizni o'zgartirishingiz: masalan, erta yotish va turishingiz kerak bo'ladi

OCHIQ GAPLAR

1 МЛН СЎМ ВА 7 ЙИЛ ҚАМОҚ

Бирон жойимиз оғриса, дарров дорихонага югураимиз. Ҳозир ҳар қадамда дорихона. Кўпи яхши, узоққа бормаймиз.

Хукукни муҳофаза қилувчи органлар томонидан пойтахтимиздаги МЧЖлардан бирига қарашли дорихонада ўтказилган тезкор қидирув тадбирида ноқонуний фаолиятга чек қўйилди. Дорихонанинг норасмий сотувчиси Ф.Х. 14 сентябрь куни соат 10-30 ларда 14 дона “Регален 300” дори воситасини ҳамда 2 дона “Тропикомид 10 мл” томизғисини сотган.

Уша куни соат 16-30 ларда Яккасарой тумани Бобур кўчасида жойлашган МЧЖга қарашли дорихона сотувчиси махсус лицензия ва рецептсиз, қонунга хилоф равишда 28 дона “Регален 300” дори воситасини 580000 сўмга ҳамда 4 дона “Тропикомид 10 мл” томизғисини 420 000 сўмга сотган вақтида ашёвий далил билан ушланган.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ ЭКМ бош мар-



казининг хулосасига кўра, Ф.Х. дан ашёвий далил сифатида олиб қўйилган дори ва томизгилар рангсиз, суюқликлар таркибида тропикомид моддаси мавжуд бўлиб, номлашишга мос дори воситаси эканлиги аниқланган.

Ушбу моддалар Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида кучли таъсир қилувчи моддалар муомаласини тартибга солиш тўғрисида”ги қарорига кўра, кучли таъсир қилувчи моддалар рўйхатига қиради.

Судда судланувчи Ф.Х. айбига тўлиқ иқрор бўлиб, дорихонада фармацевт лавозимида ишлашини, вазифаси дориларни олиб келиш, қабул қилиб олиш, нархларни қўйиш ва мижозларга сотишдан иборат эканлигини айтиб кўрсатма берди. У 11 сентябрь куни Чилонзор тумани “Қатортол” кўчасига бориб нотаниш фуқародан ўзи истеъмол қилиши учун кучли таъсир қилувчи дори ва томизғини олиб келиб дорихонада берkitиб қўйган. Уша куни бир мижоз келиб ундан кучли таъсир қилувчи дорилар бор-йўқлигини сўраган. У эса бор деб жавоб берган. Қисқаси, Ф.Х. харидорга ноқонуний дорини 1000000 сўмга сотган вақтида ушланган.

Суд давлат айбловчисининг хулосаси ва химоячиларнинг маърузаларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқди.

Суднинг ҳукми билан Ф.Х. жиноят содир этганликда айбдор деб топилиб, етти йилга озодликдан маҳрум этилди.

Онда-сонда бўлса-да, айрим дорихоналарда ана шундай қинғирликлар содир этиляпти. Натижада уларнинг “каромати” билан баъзи ёшлар ўша дориларнинг “асири”га айланиб қоляпти. Шу сабабли ҳам уларнинг қилмишини кечириб бўлмайди. Ф.Х. нинг қисмати бошқаларга ҳам сабоқ бўлиши керак.

Ҳусанбой ПАРПИЕВ,
Жиноят ишлари бўйича Яккасарой туман судининг судьяси.

Музработ туманининг “Меҳнатобод” ва “Нурли ҳаёт” маҳаллаларидаги 350 дан ортиқ хонадон томорқаларига сув борармикан?



МУЗРАБОТ ТУМАН ҲОКИМИ ЭШИТАДИМИ?

Музработ тумани марказидан 3,5-4 километр олисда жойлашган “Меҳнатобод” ва “Нурли ҳаёт” маҳаллаларида саккиз минг нафардан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Мингга яқин хўжалик бор. Бир неча йилдирки, 350 дан ортиқ хонадон томорқасига сув бормайди. Боғ-бонлар мушкул аҳволда. Чорвадорлар қийналяпти. Фермер хўжаликлари раҳбарлари аросатда.

Масалага ойдинлик киритиш мақсадида ҳудудда бўлиб, аҳоли вакиллари, мутасаддилар ва масуллар билан учрашдик.

- Бундан 15-20 йил аввал сув сероб эди, - дейди “Меҳнатобод” маҳалласида яшовчи Чори Омонқулов. - Озиқ-овқат, мева-сабзавот, боғдорчилик ва бошқа соҳалардан яхшигина даромад олганмиз. Кейинчалик танқислик кузатила бошлади. 2012-2013 йилларда эса оқим буткул тўхтаб қолди. Томорқалар яйдоқ чўлга айланган. Мевали дарахтларнинг аксарияти ҳосил бермаяпти. Хуллас, сув кўпнинг дарду тамвишига айланган.

Уч-тўрт йил олдин ҳудудда махсус қувур ётқизиلىб, бетон ариқ ҳам барпо қилинганди, денг. Ушанда кўпчи-

лик энди яхши бўлса керак, деган ҳаёлга борганди. Афсуски, қувончимиз яна узоққа чўзилмади. Сув ўтказгич сифатсиз таъмирлангани учун қарийб юз метри пастдаги зовурга қулаб тушди. Обиҳаёт исроф бўлмоқда. Ариқ эса лой ва балчиққа тўлган. Жарлик ва чуқурликлар кўпаймоқда. Атроф қамиш ва қиёқ ўсадиган чакалакзорга ўхшайди. Нима қилиш ва қандай йўл тутишга ҳайронмиз.

- Ўтган даврда ариқни бир неча марта ўз маблағимиз ҳисобидан таъмирладик, - давом этади “Нурли ҳаёт” маҳалласида истиқомат қилувчи Тоғаймурод Чоршиев. - Аммо бу фойда бермади. Туман ва вилоят ҳокимликларига мурожаат қилганмиз. Сайёр қабулларда бўлдик. Шикоят ва аризалар жўнатилды. Аммо фойдаси бўлмаёпти. Наҳотки, юз метрча келадиган ариқни сифатли таъмирлаш шунчалик қийин бўлса...

- Сув муаммоси кўп йиллардан буён томорқа ер эгаларини қийнаб келаётгани ҳақиқат, - дейди ҳудудга етиб келган туман ирригация бўлими бошлиғи Жасурбек Бўриев. - Тўғрисиини айтиш керак, гоҳида иқтисодий қийинчилик

кузатилган бўлса, баъзан зарур техникалар етишмаган. Аммо нима бўлганда ҳам обиҳаёт етказиб бериш бурч ва вазифамиз ҳисобланди. Шулардан келиб чиққан ҳолда бир фикрни айтмоқчиман: агар аҳоли томонидан ариқ лой ва балчиқлардан тозаланса, таъмирлаш ишларини бошлаймиз.

- Долзарб муаммо назоратимизга олинган, - дейди Музработ туман ҳокимлигининг ахборот хизмати раҳбари Жаҳонгир Абдурасулов. - Ҳозирги кунда ушбу ҳудудда ободонлаштириш ишлари изчил давом этмоқда. Ҳамкорликда ҳикмат кўп, деганларидек йил охиригача “Меҳнатобод” ва “Нурли ҳаёт” маҳаллаларидаги муаммо тўлиқ бартараф этилади.

Ҳайрон қоласан, қанча ҳудудлар барқарор сув манбаси тополмай қийналади, бир хил жойларда келиб турган сув эплаб бошқарилмайди. Музработ туман ҳокими икки маҳалладаги масаладан хабардор бўлиб, керакли, таъсирли чораларни кўради, деб ишонгимиз келади.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
“Ўзбекистон овози” мухбири.



ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО МАЙДОНДА ЎЗИНИНГ ТАЪСИРИ ВА АҲАМИЯТИНИ БУТУН ДУНЁГА НАМОЙИШ ЭТАЁТГАНИ ЭЪТИБОРГА ЛОЙИҚ

«IM Corporation Ltd.» компанияси раҳбари, Ўзбекистоннинг Нагоя шаҳридаги фахрий консули Хироюки Ито «Дунё» АА учун интервьюсида 24 ноябрь куни Бокуда бўлиб ўтган БМТнинг Марказий Осиё иқтисодиётлари учун махсус дастури (СПЕКА) саммити якунларини изоҳлади.

- Жорий йилда аъзо мамлакатлар СПЕКА дастурида иштирок этишни давлат раҳбарлари даражасига кўтаргани қувонарлидир. Бу минтақавий ва халқаро муаммоларни ҳал этиш учун олий даражада муҳокама ва музокаралар олиб бориш зарурлигини тасдиқлайди.

Саммитда илгари сурилган муҳим масалалар қаторида БМТ кўп томонлама шериклик асосидаги траст фондига ўхшаш СПЕКАнинг Мақсадли жамғармасини ташкил этишни тезлаштириш ташаббусини эътироф этиш керак. Жамғарма фаолияти, биринчи навбатда «яшил» иқтисодиёт, инновациялар, юқори технологиялар, логистика, муқобил энергетика, «ақлли» қишлоқ хўжалиғи, замонавий ижтимоий инфратузилмани яратиш ва бошқа соҳалардаги йирик лойиҳаларни қўллаб-қувватлашга хизмат қилади.

Ўзбекистон бүгун халқаро майдонда ўзининг таъсири ва

аҳамиятини бутун дунёга намоиш этаётганига алоҳида эътибор қаратмоқчиман. Буни Ўзбекистоннинг халқаро форумларга тез-тез раислик қилаётгани ва мамлакат ҳудудида кўплаб кенг қўлмали тадбирлар ўтказилаётгани ҳам тасдиқлайди. Жумладан, жорий саммитда Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистонда «Рақамли транспорт маршрутлари» халқаро форумини ва озиқ-овқат хавфсизлигини самарали таъминлаш бўйича юқори даражадаги махсус ишчи гуруҳини тузишни ҳамда унинг илк учрашувини келгуси йили Самарқандда ўтказишни таклиф этди.

ҲАМКОРИМИЗ

СУВ ЎҒИРЛАШ ЖИНОИЙ ЖАВОБГАРЛИККА ОЛИБ КЕЛАДИ

ЭНДИЛИКДА ИЧИМЛИК СУВИ ТАРМОҚЛАРИГА НОҚОНУНИЙ, МАНФААТ ТОПИШ МАҚСАДИДА УЛАНИШ ЖИНОИЙ ЖАВОБГАРЛИККА САБАБ БЎЛАДИ. БУ ҲАҚДА “ЎЗСУВТАЪМИНОТ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ АХБОРОТ ХИЗМАТИ РАҲБАРИ АКМАЛ МУРОДОВ МАЪЛУМ ҚИЛДИ.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 169-моддаси иккинчи қисмини “д” ва “е” бандларига асосан умумий фойдаланишдаги водопровод тармоқларига тижорат мақсадларида ўзбошимчалик билан уланиш ёҳуд совуқ сувни ҳисобга олиш асбобларига, шу жумладан, уларнинг пломбаларига қасддан шикаст етказиш ёҳуд ҳисобга олиш асбобларининг кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларга ташқаридан аралашиш ўғрилиқ саналади.

Шу билан бирга, умумий фойдаланишдаги водопровод тармоқла-

рига сув таъминоти ташкилотларининг мансабдор шахслари ёки ходимлари томонидан олдиндан тил бириктириб, тижорат мақсадларида ўзбошимчалик билан уланиш ёҳуд совуқ сувни ҳисобга олиш асбобларига, шу жумладан, уларнинг пломбаларига қасддан шикаст етказиш ёҳуд ҳисобга олиш асбобларининг кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларга ташқаридан аралашиш йўли билан содир этилган бўлса, базавий ҳисоблаш миқдорининг уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч йилдан беш йилгача озодлиқни чеклаш ёҳуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг “Ўзгалар мулкни ўғрилиқ, талончилик ва босқинчилик билан талон-торож қилиш жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 1999 йил 30 апрелдаги 6-сон қарорининг 1-бандига кўра жабрланувчининг ёки бошқаларнинг йўқлиғида ёки улар



бор бўлса-да, уларга билдирмасдан ўзганинг мол-мулкни яширин талон-торож қилиш ўғрилиқ ҳисобланади.

Бугунги кунга қадар иккита ҳолатда фуқароларга нисбатан аynи йўналишда жиноий иш очилиб, 3

ва 1 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси суд томонидан тайинланган.

Ичимлик суви тармоқларига ноқонуний, манфаат топиш мақсадида уланиш жиноий жавобгарликка сабаб бўлади. Шундай экан,

ичимлик сувидан ноўрин фойдаланиш, ноқонуний уланиш, уни исроф қилиш инсонийликка зиддир.

Ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш бўйича етказилган зарарнинг ўрни Ўзбекистон Республикаси “Ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш тизимларида фойдаланиш қоидаларига жисмоний ва юридик шахслар томонидан риоя этмаганлик, шу жумладан, ушбу тармоқларга, иншоотларга шикаст етказганлик, таъмирлаш-тиклаш ишларини амалга оширишга монелик қилганлик, сув объектларини ифлослантирганлик натижасида етказилган зарарнинг ўрни айбдор шахслар томонидан қонунчиликда белгиланган тартибда тўлиқ ҳажмда қопланиши лозим.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,
“Ўзбекистон овози” мухбири.

YANGILIKLAR

+5

+10

Корақалпоғистон
Республикаси
Хоразм

+10

+15

Бухоро
Навоий

+12

+17

Тошкент
Самарқанд
Жиззах
Сирдарё

+12

+17

Қашқадарё
Сурхондарё

+17

+22

Андижон
Наманган
Фарғона

+15

+17

Тошкент
шаҳри

t.me/uzbekiston_ovozi_gazetasi


facebook.com/uzbekistonovozi

instagram.com/uzbekiston_ovozi

info@uzbovozi.uz

www.uzbovozi.uz

7 МУҲИМ ХАБАР



САМАРҚАНДДА ЯНГИ ТАРИХ
ЮНЕСКО Бош конференциясининг 2025 йилда бўлиб ўтадиган 43-сессияси Самарқандда ўтказилади. Бу ҳақда 22 ноябрь кuni Парижда конференциянинг 42-сессияси раиси Симо-на-Мирела Микулеску маълум қилган.

Этиборлиси, 1985 йилдан бери биринчи марта ташкилот бош қароргоҳи жойлашган Па-риждан ташқарида конференция ўтказилади. Бундан олдин конференция 1985 йилда Бол-гария пойтахти Софияда ўтказилган.

Бу ўзбек дипломатиясининг тарихий ютуғи сифатида эътироф этилмоқда.

“Кўпмиллатли Ўзбекистон халқи номидан ва шахсан ўз номимдан барча хорижий дўстлари-миз ва шерикларимизга ЮНЕСКО Бош конфе-ренциясининг 43-сессиясини 2025 йилда қадим Самарқандда ўтказиш тўғрисидаги тарихий қарорни қўллаб-қувватлагани учун самимий мин-натдорлик билдираман.

Минтақамизда биринчи марта ўтадиган ушбу муҳим глобал миқёсдаги тадбир халқаро ҳамжа-мийатга Ўзбекистон ва Марказий Осиё давлатла-рининг улкан цивилизацион салоҳиятини яна бир бор намойиш этишга хизмат қилади, деб ишонаман.

Ўз навбатида, Ўзбекистон бўлажак сессияни энг юқори савияда ташкил этиш ва ўтказиш учун барча кучини сафарбар этади”.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат МИРЗИЁЕВ.



ЯНГИ ЛОЙИҲА, ЯНГИ МАРРА САРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 27 ноябрь кuni Саудия Арабисто-ни Подшоҳлиги инвестициялар вазири Ҳолид ал-Фалиҳ бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

Ўзбекистон билан Саудия ўртасидаги кўп қир-рالي ҳамкорлик ва кенг кўламли шерикликни янада кенгайтириш, шу жумладан, олий даража-даги келишувларни сўзсиз амалга оширишнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Саудия делегациясининг бу сафарги ташри-фи доирасида кимё, энергетика, қишлоқ хў-жалиги, фармацевтика, IT ва инфратузилмани ривожлантириш соҳаларида 12 миллиард дол-ларлик ўзаро манфаатли лойиҳаларни амалга ошириш бўйича келишувлар имзоланди.

Транспорт инфратузилмаси ва коммунал хў-жалиги, геология, ирригация, маиший чиқинди-ларни қайта ишлаш, олий таълим, меҳнат ми-грацияси бўйича умумий қиймати 11 миллиард долларлик янги лойиҳа ва дастурларни илгари суришга келишиб олинди.

Ўзбекистонда “яшил” энергетикани ривож-лантиришда энг катта сармоядор ва стратегик ҳамкор бўлган “ACWA Power” компанияси билан сермахсул ҳамкорлик алоҳида қайд этилди. Бу-гунги кунда мазкур компания қиймати 7,5 мил-лиард долларлик лойиҳаларни амалга оширил-моқда.

Шунингдек, вазир Ҳолид ал-Фалиҳни Ўзбе-кистон ва Саудия Арабистони ўртасидаги кўп қиррالي ва ўзаро манфаатли муносабатларни ривожлантиришга қўшган катта ҳиссаси ва ҳар томонлама кўмаги учун “Дўстлик” ордени билан тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.



ЕВРОПА БОЗОРЛАРИ БИЗ УЧУН ОЧИЛМОҚДА

23 ноябрь кuni Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги ва Европа Иттифоқининг Ўзбе-кистондаги делегацияси томонидан биргалиқда “Ўзбекистон учун Европа Иттифоқининг Префе-ренциялар бош тизими Плюс (“GSP+”) имкони-ятларини кенгайтириш” мавзусида ўтказилган матбуот анжуманида Ўзбекистон учун амалдаги мuddат яна тўрт йилга, 2027 йил 31 декабргача узайтирилганлиги эълон қилинди.

Матбуот анжумани очилишида Европа И-ттифоқининг Ўзбекистондаги элчиси Шарлотта Адриан куйидаги фикрларни билдирди:

“GSP+” Европа Иттифоқи ва Ўзбекистон ўр-тасидаги ҳамкорлик тарихининг муваффақият зарварағига айланиб бораётганини кўришдан мамнунманлигини, 448 миллион истеъмолчи-га эга Европа бозорларига киришни оsonлашти-ришини, Европа ва Ўзбекистон компаниялари ўртасида мустақкам ҳамкорликни рағбатланти-ришни ва чегараларда сезиларли тежашларга олиб келишини айтиб ўтди.

Унинг сўзларига кўра, “GSP+” мuddатини узайтириши хусусий сектор учун ишларини яна-да самарали режалаштириш имконини беради ва Европа Иттифоқининг Ўзбекистондаги ис-лохотлар жараёнини қўллаб-қувватлаш бўйича содиқлигининг қўшимча белгиси ҳисобланади.

Европа Иттифоқи билан савдо муносабатла-рини мустаҳкамлаш ва Ўзбекистоннинг экспорт географиясини кенгайтириш юзасидан амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида 2022 йил ҳолатига кўра, 628 та корхона томонидан (2021 йилнинг мос даврига нисбатан 116 тага ортган) 647 млн. доллар миқдоридagi махсулотлар Ев-ропа бозорларига киритилган. Бу 2020 йилга нисбатан деярли 2 баробардан ортиқ, дегани.

2022 йилда “GSP+” тўфайли Ўзбекистонлик экспортчилар 28 миллион еврога тенг импорт божларини тежаб қолган.



ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР ВА ИЖТИМОЙ НАФАҚАЛАР ОШИРИЛАДИ

Ўзбекистон Президентининг 2023 йил 17 но-ябрдаги «Иш ҳақи, пенсиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги 196-сонли фармони-га кўра, жорий йил 1 декабрдан иш ҳақи, пенсиялар ва ижтимоий нафақалар 7 фо-изга оширилмоқда.

Яъни: пенсияни ҳисоблашнинг базавий миқдори – 372 минг сўм (ҳозир – 347 минг сўм); ёшга доир энг кам пенсия миқдори – 725 минг сўм (677 минг сўм); меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори – 1 млн 50 минг сўм (920 минг сўм) этиб белгилан-моқда.

Натижада 4,5 млн кишининг пенсияси ва на-фақалари миқдори кўпаяди ва барча бюджет ташкилотлари ходимларининг ойлик маошлари декабрдан бошлаб 7 фоизга ошган ҳолда ҳисоб-ланади.

Базавий ҳисоблаш миқдори 1 декабрдан 3 фоиз миқдорда ўзгариб, амалдаги 330 минг сўм энди 340 минг сўмга ўзгаради.

Бундан ташқари: ногиронлик пенсиялари, жумладан, иш стаж-и тўлиқ бўлмаган чоғдаги ногиронлик пенсияси-

нинг энг кам миқдори — 800 000 сўм; меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга берилади-ган ногиронлик нафақаси ва болалиқдан ноги-ронлиги бўлган шахсларга бериладиган нафақа — 800 000 сўм;

белгиланган ёшга доир энг кам пенсия миқ-доридан (725 000 сўмдан) 800 000 сўмгача пен-сия олувчиларнинг ёшга доир пенсиялари — 800 000 сўм;

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшда-ги фуқароларга бериладиган нафақа — 608 000 сўм;

иш стаж-и тўлиқ бўлмаган чоғдаги ёшга доир пенсиянинг энг кам миқдори қўшимча тўловни ҳисобга олган ҳолда — 608 000 сўм;

ўзгалар парваришига муҳтож ногиронлиги бўлган 18 ёшгача болаларнинг парвариши би-лан банд бўлган боланинг қонуний вакилига бе-риладиган нафақа миқдори — 608 000 сўм;

Боқувчисини йўқотганлик нафақаси олувчи-ларнинг бир нафар меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоси учун нафақа миқдори ойига 608 000 сўм этиб белгиланади ва кейинги ҳар бир меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоси учун 212 000 сўмдан қўшилади.

Боқувчисини йўқотганлик пенсияси олувчи-ларнинг бир нафар меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоси учун пенсиянинг энг кам миқдори — ойи-га 608 000 сўм этиб белгиланади ва кейинги ҳар бир меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоси учун амалдаги тартибга мувофиқ пенсия тўланади.



14 ЁШГАЧА ТЕНГСИЗ...

Италияда ўтган 14-16-18 ёш тоифасидаги шахмат бўйича ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпи-онатида 92 давлатдан жами 766 нафар шахмат-чи йигит-қизлар иштирок этди.

14 ёшгача бўлган ёш тоифасида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган 10-турда Самарқанд шах-мат мактаби тарбияланувчиси Афруза Ҳамда-мова (2199) Анна Шукманга (2263) қарши баҳс олиб бориб, муҳим ғалабага эришиб ёш шахмат-чимиз мuddатдан аввал жаҳон чемпиони-га ай-ланди.

4 КУНЛИК ТИНЧЛИК

24 ноябрь тонгидa Исроил мудофаа армияси ва фаластинликларнинг ҲАМАС ҳаракати ўртаси-да Ҳазо секторида тўрт кунга ҳарбий ҳаракатлар-ни тўхтатишни кўзда тутувчи сулҳ амалга кирди.

ҲАМАС тўрт кун ичида жами 50 нафар исро-иллик аёллар ва болаларни қайтариши, Исроил ҳукумати эса қамоқхоналардаги 150 нафар фа-ластинлик маҳбусларни қўйиб юбориши керак.

Воситачилар сулҳ узайтирилиши ва гаровда-гилар, маҳбусларни алмашиш давом этишига умид билдирмоқда. Сектор ҳудудига ҳар кuni инсонларварлик ёрдами ортилган 200 та фура кирмоқда.



ҚИММАТ БЎЛСА, ҚАДРЛИ БЎЛАР...

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши қарори билан пойтахтда ичимлик суви таъми-ноти ва оқова суви хизматлари нархлари тас-диқланди.

Жумладан, жисмоний шахслар, бюджет таш-килотлари ва улгуржи истеъмолчилар учун сув-нинг бир куб метри нархи 1400 сўм (ҳозирда коэффициент ва ҚҚСсиз 400 сўм), оқова сув хизматлари учун 1000 сўм (ҳозирда коэффици-ент ва ҚҚСсиз 350 сўм) этиб белгиланди.

Юридик шахслар учун тарифлар уч бара-вар оширилди — ичимлик сувининг ҳар куб метри учун 1000 сўмдан 3000 сўмгача, кана-лизация хизматлари учун эса 820 сўмдан 2200 сўмгача.

Тарифлар қарор эълон қилинганидан кейин 15 кун ўтгач, яъни 9 декабрдан кучга киради.

Охириги марта тарифлар 2021 йил январида оширилган эди.

Аҳмад ҚУРБОНОВ
тайёрлади.

ТОШКЕНТ ЗАМОНАВИЙ ҚИЁФАГА ЭГА БЎЛИШИ МУҲИМ



Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ме-диа марказида “Тошкент шаҳри-да транспорт инфратузилмасини ривожлантириш, кўп қаватли уйларнинг қиёфасини янгилаш, пиёдалар йўлаклари, коммуни-кация тармоқларини таъмирлаш ишларини ўрганиш” мавзуси-да онлайн давра суҳбати бўлиб ўтди.

Унда Олий Мажлис Қонунчи-лик палатаси депутатлари, Ўзбе-кистон ХДП Марказий Кенгаши ҳамда Тошкент шаҳар кенгаши масъуллари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари аъзолари, Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазир-лиги, Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги мутахассисла-ри иштирок этди.

Таъкидланганидек, кейинги йилларда юртимизда транспорт инфратузилмасини ривожлан-тириш, кўп қаватли уйларнинг қиёфасини янгилаш, пиёдалар йўлаклари, коммуни-кация тармоқларини таъмирлаш борасида кенг кўламли ишлар олиб борил-моқда. Шаҳарларимиз қиёфаси йилдан йилга янгиланиб, янада замонавий кўринишга эга бўлиб бормоқда.

Йигилишда халқ депутатла-ри Тошкент шаҳар маҳаллий Кенгаш депутатларидан ибор-ат Ишчи гуруҳининг Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманида транспорт инфратузилмасини ривожлантириш, кўп қаватли уйларнинг қиёфасини янгилаш, пиёдалар йўлаклари, коммуни-кация тармоқларини таъмирлаш ишлари юзасидан ўтказган ўрга-ниш натижалари кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 9 фев-ралдаги “Тошкент шаҳрининг ижтимоий-иқтисодий вазифа-ларини жадал суръатларда ҳал этиш ҳамда аҳоли фаровонли-гини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-50-сон Қарорига мувофиқ, Шайхонтоҳур туманидаги жами 51 та маҳалла бўйича алоҳида чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилган бўлиб, ҳозирда қури-лиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилган. Жумладан, 216 121 кв.м ички йўллар таъмирланиб, 50 722 кв.м пиёдалар йўлакча-сини таъмирлаш ишлари бажа-рилган. Аммо ечимини кутаётган баъзи масалалар ҳам бўлиб, кў-чалар, уйлар атрофларининг са-нитария-гигиена ҳолати талабга жавоб бермайди.

Шунингдек, фуқаролар ша-ҳардаги йўловчи ташиш транс-портининг қатнаш оралиқ ин-терваллари, кутиш бекатлари ҳолатидан қониқмаслигини маълум қилган. Шу ва депутат-лар томонидан ўрганиш даври-да аниқланган бошқа масала-лар мутахассислар иштирокида муҳокама қилиниб, ечими юза-сидан таклифлар олинди.

ЎзХДП Ахборот хизмати.